

Яссавий, Хожа Ахмад Яссавий (Ясси якинидаги Сайрам шахри, тахм. 11-асрнинг 2-ярми — 1166) — тасаввуфнинг машхур намояндаларидан бири, шоир. Отаси Шайх Иброхим жавонмардлик тарикатига мансуб нуфузли зотлардан бўлган. Яссавий тугилгач, кўп ўтмай онаси — Мусо Шайхнинг кизи Ойша хотун вафот этади. 7 ёшида отасидан ҳам ажралади. Яссавий тарбияси билан опаси Гавхар Шахноз машгул бўлади. Яссавий опаси билан Яссига кўчиб боргач, 1-устози Арслон боб билан учрашади ва ундан тахсил олади («Етти ёшда Арслон бобом излаб топдим...»). Яссавий Яссида ботин илми сирларини мукамал ўзлаштирган. Ўша замонларда илм-маърифатнинг Мовароуннахрдаги марказларидан бўлган Бухорода Туркистоннинг турли томонларидан толиби илмлар йигилишган. Арслон боб кўрсатмаси билан Яссавий ҳам Бухорога боради. Даврнинг энг пешкадам олими ва суфийси Шайх Юсуф Хамадоний билан учрашиб, унга мурид тушади.

Бухорода у араб тили билан бир каторда форс тилини ҳам чуқур ўрганади. Форсийда яратилган тасаввуфий адабиёт билан танишади. Хожа Абдухолик Гиждувоний, Абдуллох Баркий, Хожа Хасан Андокийлар билан ҳамсухбат ва ҳаммаслак бўлиб, Юсуф Хамадоний муридлари каторидан ўрин олади.

Алишер Навоий Яссавий тўғрисида «Мақомоти олий ва машхур, қаромоти матаволий ва номахсур эрмиш. Мурид ва ашоб гоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш», — дейди. Бу фикр Яссавийнинг Яссига қайтиб келиб, янги бир тарикатга асос солган мурид сифатида шухрат топган даврларига тегишлидир. Яссавий туркий халқларни исломга янада кенгрок жалб қилиш ва тасаввуф гоёларини омма қўнглига чуқур сингдириш мақсадида шеъриятдан ҳам фойдаланган. Абдурауф Фитратнинг таъкидлашича, Яссавийнинг «адабиётда тутган йўли содда халқ шоирларимизнинг тутган йўлидир... Унинг хикматлари вазнда, кофияда, услубда халқ адабиёти аталган шеърлар билан баробар».

Яссавий нуктаи назарида хикмат — «илми ладуний», яъни илми гайбу ҳақоик ва илохий сирларни кашф айлаш мазмунига ҳам эга. Яссавийнинг ўзи «Девони хикмат» номи билан бирон бир китоб яратмаган. Ушбу нодир асар унинг мурид ва издошлари томонидан тартиб берилган. Лекин бу нарса хикмат мажмуасининг Яссавийга алоқаси йўқ, деган даъвои илгари суришга асос бермайди. Сўфи Оллоёр Яссавий ҳақида фикр билдириб, яна шундай деган:

Шариатда эди ул офтобе,

Қолибдур бизга ул эрдин китобе.

«Девони хикмат»да илохий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати, фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. «Девони хикмат»даги барча шеърлар ҳам Яссавийга мансуб эмас. Унга Яссавий издошларининг ижод намуналари ҳам киритилган. Бу эса, табиийки, хикматлар тили ва услубида маълум ўзгаришлар ҳосил қилган. Лекин Яссавийнинг ўнлаб издошларидан ҳеч бири устозлари бошлаган гоёвий, ахлокий, маънавиймаърифий ва мафкуравий йўналишни ўзгартирмаган. Буни Яссавий ҳаёти, тарикати ва ижодиётидан баҳс юритилган ўнлаб қадимий манбалар, айниқса, Султон Ахмад Ҳазинийнинг «Жавохир улабор мин амвожил бихор» асари ҳам тўла тасдиқлайди.

Яссавийнинг факат ижодиёти эмас, қанча умр кўриб, қачон вафот этганлиги ҳам баҳсли. У хикматларидан бирида «Юз йигирма бешга кирдим, билолмадим», дейдики,

бу сўзлар тарихий хакикатдан кўра, манокибий мазмунга эга. Бундан ташкари, 125 йиллик узок бир умрнинг ярмидан кўпини «ер ости»да («Олтмиш учда ер остига кирдим мано», дейди Яссавий) ўтказиш ақл бовар этмас ходисадир. Лекин кўпчилик тадқиқотчилар унинг вафот тарихини 1166—67 йил деб кайд этишган. Узок вақт мобайнида Яссавий хаёти ва ижодиётини илмий жихатдан тадқиқ этишга имкон берилмади. Асарларини нашр қилишга йўл қўйилмади. Ўтган асрнинг 70-йилларида Яссавийнинг миллий маданият, тил ва адабиёт тарихидаги хизматларини тўғри баҳолаш йўлидаги уринишлар эса кораланди. Мустақиллик арафасида, хусусан, Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейин яссавийшуносликда янги давр бошланди. Дастлаб турли газета ва журналларда «Девони хикмат»дан намуналар эълон қилинган бўлса, 1990—92 йларда унинг 2 мустақил нашри китобхонлар кўлига етказилди. Ушбу нашрлар нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа туркий давлатларда ҳам бу буюк мутасаввифнинг хаёти, адабиймаърифий фаолияти, издошлари хизматига кизиқишни кучайтирди. 1993 йил Ўзбекистонда Яссавийга бағишлаб илмий анжуманлар ўтказилиб, маърузалар матни алоҳида мажмуа шаклида чоп этилди. Матбуотда Яссавийнинг шахсияти, тарикати, шеъриятидан бахс юритилган мақолалар босилиб чиқди. Ўзбекистондаги бир қанча кўча ва маҳалла Яссавий номи билан аталади. Султон улорифин камолотининг юксакларга кўтарилишига гувоҳ бўлган ва жасади дафн этилган кўҳна Ясси шахрида эса Яссавий номидаги университет мавжуд. Бадиий ижодда ҳам Яссавий образини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Ёзувчи Саъдулла Сиёев «Яссавийнинг сўнгги сафари» романининг 1-китобини (1994) чоп эттирди.

Иброҳим Хаккул

Бисмиллоҳ деб баён айлай хикмат айтиб,
Толибларга дурру гавхар сочтим мано.
Риёзатни коттиг тортиб, конлар ютуб,
Мен дафтари соний сўзин очтим мано.

Сўзни айдим харким бўлса дийдор талаб,
Жонни жонга пайванд қилиб, рағни улаб,
Гариб, етим, фақирларни кўнглин сийлаб,
Кўнгли бутун халойиқдин қочтим мано.

Қайда кўрсанг, кўнгли синук мархам бўлгил,
Андоғ мазлум йўлда қолса, ҳамдам бўлгил.
Рўзи махшар даргоғига махрам бўлгил,
Мовуманлик халойиқдин қочтин мано.

Гариб, факир, етимларни Расул сўрди,
Ўшал туни Меърож чикиб дийдор кўрди,
Кайтиб тушуб гариб, факир холинг сўрди,
гарибларни изин излаб туштум мано.

Уммат бўлсанг, гарибларга тобеъ бўлгил,
Оят, хадис хар ким айтса, сомеъ бўлгил,
Ризку рўзи харна берса, конеъ бўлгил,
Конеъ бўлуб, шавк шаробин ичтим мано.

Мадинага Расул бориб, бўлди гариб,
Гариблигда меҳнат тортиб, бўлди хабиб,
Жафо тортиб, яратканга бўлди кариб,
гариб бўлуб, укболардин оштим мано.

Окил эрсанг, гарибларни кўнглин овла,
Мустафодек элни кезиб, етим ковла,
Дунёпараст, ножинслардин бўюн товла,
Бўюн товлаб, дарё бўлуб тоштим мано.

Ишк бобини Мавлом очкач менга тегди,
Туфрок килиб, хозир бўл, деб бўйнум эгди,
Борон сифат маломатни ўки тегди,
Пайкон олиб, юрак-багрим тештим мано.

Кўнглум коттиг, тилим аччиг, ўзум золим,
Куръон ўкуб амал килмай, ёлгон олим,
гариб жоним сарф айлайн, йўктур молим,
Хакдин кўркуб, ўтга тушмай, пиштим мано.

Олтмиш учга ёшим етти, ўттум гофил,
Хак амрини маҳкам тутмай, ўзум жохил,
Рўза, намоз казо килиб, бўлдум кохил,
Ёмон излаб, яхшилардин кечтим мано.

Во дариго, мухаббатни жомин ичмай,
Ахли аёл, хонумондин тугал кечмай,
Журму исён гирихларин мунда чечмай,
Шайтон голиб, жон берарда шоштим мано.

Имонима чангал уруб, килди гамнок,
Пири мугон хозир бўл, деб сочти тарёк,
Шайтон лаъин мендин кочиб кетти бепок,
Бихамдиллох, нури имон очтим мано.

Пири мугон хизматида югруб юрдум,

Хизмат килиб, кўзим юммай хозир турдум,
Мадад килди, Азозилни кавлаб сурдум,
Ондин сўнгра канот кокиб учтим мано.

Гариб, факир, етимларни килгин шодмон,
Халкалар килиб азиз жонинг айла курбон,
Таом тобсанг, жонинг бирла килгил меҳмон,
Хакдин эштиб бу сўзларни айдим мано.

Гариб, факир, етимларни хар ким сўрар –
Рози бўлур ул бандадин парвардигор,
Эй беҳабар, сен бир сабаб, ўзи асрор,
Хак Мустафо пандин эштиб, айдим мано.

Ети ёшда Арслонбобга килдим салом:
“Хак Мустафо амонатин килинг инъом”,
Ўшал вақтда минг бир зикрин килдим тамом,
Нафсим ўлуб, ломаконга оштим мано.

Хурмо бериб, бошим силаб, назар килди,
Бир фурсатда укбо сари сафар килди,
Алвидо, деб бу оламдин гузар килди,
Мактаб бориб, кайнаб, жўшуб-тоштим мано.

“Инно фатахно”но ўкуб, маъно сўрдум,
Партав солди, беҳуд бўлуб, дийдор кўрдум,
Муллом уруб, “ускут” деди, бокиб турдум,
Ёшим сочиб, музтар бўлуб турдим мано.

Аё нодон, маъно бул, деб айди, билдим,
Ондин сўнгра чўллар кезиб, хакни суйдум,
Рўзи килди, Азозилни тутуб миндим,
Лангар тугуб, белин босиб янчтим мано.

Зикрин тамом килиб, ўттум девонага,
Хакдин ўзга ҳеч сўзламай бегонага,
Шамъин излаб, шогирд кирдим парвонага,
Ахгар бўлуб, куюб-ёниб ўчтим мано.

Ному нишон ҳеч колмади, ло-ло бўлдум,
Аллох ёдин оята-ойта илло бўлдум,
Холис бўлуб, мухлис бўлуб, лиллох бўлдум,
“Фано филлох” макомига оштим мано.

Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли коттиг, дил озордин Худо безор,

Аллох хаки, ондог кулга сижжин тайёр,
Донолардин эшитиб, бу сўз айдим мано.

Суннатларин махкам тутуб, уммат бўлдим,
Ер остига ёлгиз кириб, нурга тўлдум,
Хакпарастлар макомига махрам бўлдум,
Ботин тиги бирла нафсни янчтим мано.

Нафсим мени йўлдун уруб, хор айлади,
Термултуруб халойикга зор айлади,
Зикр айтурмай, шайтон бирла ёр айлади,
Хозирсен, деб нафс бошини сончтим мано.

Кул Хожа Ахмад, гафлат била умрунг ўтти,
Во хасрато, кўздин, тиздин кувват кетти,
Во вайлато, надоматни вақти ети,
Амал килмай, карвон бўлуб кўчтим мано.

Кудрат бирлан Хакдин сизга фармон бўлди,
Тубсиз тенгиз ичра ёлгуз туштум, дўстлар.
Ул тенгизга Ўгонизим фармон килди,
Бихамдиллох, соғ-саломат чиктим, дўстлар.

Ёшим етти, умрум кетти, кўкка учтум,
Бағрим тошти, аклим шошти, ерга туштум,
Нафсу шайтон хайли бирлан кўп уруштум,
Сабру ризо макомотин оштум, дўстлар.

Тўккузумда тугал туздум, тўкунмадум,
Ўн ёшимда ўнг ёгимга ўргулмадим,
Ўн биримда ўз нафсимга зобит бўлдум,
Факру ризо макомотин кечтим, дўстлар.

Ўн иккимда барча арвох калом килди,
Хурлар каршу келиб, менга салом килди,
Сир шарбатин сокий бўлуб, менга сунду,
Они олиб адаб бирлан ичтим, дўстлар.

Ўн учумда гаввос бўлуб, дарё чўмдим,
Маърифатни гавхарини сирдин тердим,
Шамъин кўруб парвонадек ўзум урдум,
Беҳиш бўлуб аклим кетти, шоштим, дўстлар.

Ўн тўртумда туфрок сифат хорлиг торттум,

Ху-ху тею бошим бирлан тунлар коттим,
Минг олтунлик кийматини бирга соттим,
Ондин сўнгра канот тутуб учтим дўстлар.

Ўн бешимда даргохингга ёниб келдим,
Ёзук бирлан хар иш килдим, хато килдим,
Тавба килиб Хакка бўюн сунуб келдим,
Тавба килиб ёзуклардин кочтим, дўстлар.

Жабраил вахий келтурди хак Расулга,
Оят келди, зикр этгин, деб жузву куллга,
Хизр бобом солди мени ушбу йўлга,
Ондинг сўнгра дарё бўлуб тоштим, дўстлар.

Шариатнинг бўстонида жавлон килдим,
Тарикатнинг гулзоринда сайрон килдим,
Хакикатдин канот тутуб тайрон килдим,
Маърифатнинг эшигини очтим дўстлар.

"Аласт" хамрин пири мугон туё берди,
Ича бердим, микдоримча куёберди,
Кул Хожа Ахмад, ичим-тошим куёберди,
Толибларга дурру гавхар сочтим, дўстлар.

Аё дўстлар, кулок солинг айдугумга,
На сабабдин олтмиш учта кирдим ерга,
Меърож узра хак Мустафо рухум кўрди,
Ул сабабдин олтмиш учта кирдим ерга.

Хак Мустафо Жабраилдин килди савол:
"Бу нечук рух танга кирмай тобти камол.
Кўзи ёшлиг, халка бошлиг, кадди хилол".
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Жибрил айди: "Уммат иши сизга бархак,
Кўкка чикиб, малоикдин олур сабак,
Нолишига нола килур хафтум табак",
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Фарзандим, деб хак Мустафо килди калом,
Ондин сўнгра барча арвох килди салом,
Раҳмат дарё тўлуб тош, деб етти паём,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Рахм ичра пайдо бўлдум, нидо келди,
Зикр айт, деди, баданларим жунбуш килди,
Фарзандим, деб ҳақ Мустафо улуш берди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Тўрт юз йилдин кейин чикиб, уммат бўлгай,
Неча йиллар юруб, халкка йўл кўргузгай,
Ўн тўрт минг мужтахидлар хизмат килгай,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Тўккуз ою, тўккуз кунда ерга туштум,
Тўккуз соат туролмадим, кўкка учтум,
Аршу Курси поясини бориб кучтум,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Арш устида намоз ўкуб, тиззам буктум,
Рози айтиб, Ҳакка бокиб ёшим тўктум,
Ёлгон ошиқ, ёлгон сўфи кўрдим сўктум,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Жондин кечмай, ху-ху деган бори ёлгон,
Бу килтоқдин сўрманг савол, йўлда колгон,
Ҳакни тобкан ўзи пинхон, сўзи пинхон,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Бир ёшимда арвоҳ менга улуш берди,
Икки ёшда пайгамбарлар келиб кўрди,
Уч ёшимда чилтан келиб холим сўрди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Тўрт ёшимда ҳақ Мустафо берди хурмо,
Йўл кўрсаттим, йўлга кирди неча гумроҳ,
Кайда борсам, Хизр бобом менга хамроҳ,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Беш ёшимда белиб боглаб, тоат килдим,
Татаввуъ рўза тутуб, одат килдим,
Кеча-кундуз зикрин айтиб, роҳат килдим,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Етти ёшда Арслон бобом излаб тобти,
Ҳар сир кўруб, парда бирла букуб ёбти,
Бихамдуллоҳ, кўрдум, деди, изим ўпти,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Кобиз келиб Арслон бобом жонин олди,

Хурлар келиб харир тўндин кафан килди,
Етмиш минг фаришталар йигилиб келди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Жанозасин ўкуб, ердин кўтардилар,
Бир фурсатда ужомх ичра еткурдилар,
Рухил олуб, илийинга киргиздилар,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Аллох, Аллох, ер остида ватан килди,
Мункар, Накир "Ман раббук" деб сўруг сўрди,
Арслон бобом исломидин баён килди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Окил эрсанг, эранларга хизмат килгил,
"Амри маъруф" килганларни иззат килгил,
"Нахи мункар" килганларни хурмат килгил,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Секкизимда секиз ёндин йўл очилди,
Хикмат айт, деб бошларимга нур сочилди,
Бихамдуллох, пири мугон май ичурди,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Пири мугон хак Мустафо бешак билинг,
Кайда борсанг васфин айтиб таъзим килинг,
Дуруд айтиб, Мустафога уммат бўлинг,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Тўккузимда тўлгонмадим тўгри йўлга,
"Табаррук", деб олиб юрди кўлдин кўлга,
Кувонмадим бу сўзларга, кочтим чўлга,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Ўн ёшингда ўглон бўлдинг, кул Хожа Ахмад,
Хожаликка бино кўюб, килмай тоат,
Хожа мен, деб йўлда колсанг, вой, не хасрат,
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Хар субхидам нидо келди кулогимга,
Зикр айт, деди, зикрин айтиб юрдум мано,
Ишксизларни кўрдум эрса йўлда колди,
Ул сабабдин ишк дўконин курдим мано.

Ўн биримда рахмат дарё тўлуб тошти,
"Аллох" дедим, шайтон мендин йирок кочти,
Хою хавас, мовуманлик турмай кўчти,
Ўн иккимда бу сирларни кўрдум мано.

Ўн учимда нафх, хавони кўлга олдим,
Нафс бошига юз минг бало кормаб солдим,
Такаббурни оёғ остида босиб олдим,
Ўн тўртумда туфрок сифат бўлдим мано.

Ўн бешимда хуру гилмон карши келди,
Бошин уруб, кўл ковшуруб, таъзим килди,
Фирдавс отлиг жаннатидин мазхар келди,
Дийдор учун барчасини кўйдим мано.

Ўн олтимда борча арвох улуш берди,
Хай-хай сизга муборак, деб одам келди,
Фарзандим, деб бўйнуи кучуб, кўнглим олди,
Ўн еттимда Туркистонда турдим мано.

Ўн саккизда чилтан била шароб ичтим,
Зикрин айтиб, хозир туруб, кўксум тештим,
Рўзи килди, жаннат кезиб, хурлар кучтим,
Хак Мустафо жамолларин кўрдим мано.

Ўн тўккузда етмиш маком зохир бўлди,
Зикрин айтиб, ичу тошим тохир бўлди,
Койда борсам, Хизр бобом хозир бўлди,
Гавс-ул-гиёс май ичурди, тўйдим мано.

Ёшим етти йигирмага, ўтдим маком,
Бихамдиллох, пир хизматин килдим тамом,
Ул сабабдин Хакка ёвук бўлдим мано.

.....

Мўмин эрмас - хикмат эштиб йигламайдур,
Эранларни айтган сўзин тингламайдур,
Оят, хадис, гўё Куръон онгламайдур,
Бул ривоят Арш устида кўрдим мано.

Ривоятни кўруб Хак-ла, сўзлаштим мен,
Юз минг турлук малойикга юзлаштим мен,
Ул сабабдин Хакни сўзлаб, излаштим мен,
Жону дилим анга фидо килдим мано.

Кул Хожа Ахмад, ёшинг етти йигирма бир,

Не килгайсен, гунохларинг тогдин огир,
Киёмат кун газаб килса, Раббим кодир,
Аё дўстлар, нечук жавоб айтгум мано.

Хуш гойибдин кулогимга илхом келди,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано,
Борча бузрук йиглиб келиб инъом берди,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Мен йигирма икки ёшда фано бўлдум,
Мархам бўлуб, чин дардликка даво бўлдум,
Ёлгон ошик, чин ошикга гувоҳ бўлдум,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Аё дўстлар, ёшим етти йигирма уч,
Ёлгон даъво тоатларим, борчаси пуч,
Киёмат кун на килгаймен барахна луч,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Ман йигирма тўртка кирдим Хакдин йирок,
Охиратка борур бўлсам, кони ярок,
Ўлганимда йиглиб урунг юз минг таёк,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Жанозамни оркасидан тошлар отинг,
Оёкимдин тутуб судраб гўрга элтинг,
Хакка куллуқ килмадинг, ден янчиб тефинг,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Ёзук билан ёшим етти йигирма беш,
Субхон эгам, зикр ўргатиб, кўксумни теш,
Кўксумдаги гирихларим сен ўзунг еш,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Мен йигирма олти ёшда савдо килдим,
Мансур сифат дийдор учун гавго килдим,
Пирсиз юруб, дарду холат пайдо килдим,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Мен йигирма етти ёшда пирни тобтим,
Харна кўрдум, парда бирла сирни ёфтим,
Остонасин ёстанибон изиз ўптим,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Мен йигирма сакиз ёшда ошик бўлдум,
Кеча ётмай, меҳнат тортиб, содик бўлдум,
Ондин сўнгра даргохига лойик бўлдум,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Бир кам ўттуз ёшка кирдим холим хароб,
Ишк ўтида бўлолмадим мисли туроб,
Холим хароб, багрим кабоб, кўзум пуроб,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Ўттуз ёшда ўтун килиб кўйдурдилар,
Жумла бузрук йиглиб дунё кўйдурдилар,
Уруб, сўкуб, дунё укбин кўйдурдилар,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Кул Хожа Ахмад, дунё кўйсанг ишинг битар,
Кўксунгдаги чиккан охинг Аршка етар,
Жон берарда хак Мустафо кўлунг тутар,
Ул сабабдин Хакка сигниб келдим мано.

Ё илохим, хамдинг бирла хикмат айттим,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго,
Тавба килиб, гунохингдин кўркуб кайттим,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кирк биримда ихлос килдим йўл топай деб,
Эранлардин хар сир кўрсам мен ёпай деб,
Пири мугон изин олиб мен ўпай деб,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кирк иккимда толиб бўлуб, йўлга кирдим,
Ихлок килиб, ёлгуз Хакка кўнгил бердим,
Аршу Курси, Лавхдин ўтуб, Калам кездим,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кирк учумда Хакни излаб нола килдим,
Кўз ёшимни оккузубон жола килдим,
Биебонлар кезиб, ўзум вола килдим,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кирк тўртумда мухаббатни бозоринда,
Якам тутуб йиглаб юрдум гулзоринда,
Мансур сифат бошим бериб ишк доринда,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кирк бешимда сендин хожат тилаб келдим,
Тавба килдим, хар иш килдим, хато килдим,
Ё илохим, рахматингни улуг билдим,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кирк олтимда завку шавким тўлуб-тошти,
Рахматингдин катра томди, шайтон кочди,
Хакдин илхом рафик бўлуб, бобин очти,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кирк еттимда етти ёкдин илхом етти,
Сокий бўлуб жоми шароб Хожам тутти,
Шайтон келиб нафс хавони ўзи ютти,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кирк саккизда азиз жондин безор бўлдум,
Гунох дарди касал килди, бемор бўлдум,
Ул сабабдин Хакдин кўркуб, бедор бўлдум,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кирк тўккузда ишкинг тушди, куйиб-ёндим,
Мажнун сифат хайли хешдин кочиби, тондим,
Турлук-турлук жафо тегди, бўюн сундум,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Эллигимда эрмен, дедим, феълим заъиф,
Кон тўкмадим кўзларимдин багрим эзиб,
Нафсим учун юрар эдим итдек кезиб,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Кул Хожа Ахмад, эр бўлмасанг ўлган яхши,
Кизил юзунг каро ерда сўлган яхши,
Туфрок сифат ер остида бўлган яхши,
Зоти улуг Хожам, сигниб келдим санго.

Субхи содик душанбада дун ерга кирдим,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.
Олтмиш учда суннат деди, эштиб билдим,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Ер устида ёронларим мотам тутти,
Олам хамма "Султоним", деб наъра тортти,
Хакти тобкан чин сўфилар конлар ютти,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Алвидо, деб ер остига кадам кўйдум,
Ёруг дунё харом килиб, Хакни суйдум,
Зикрин айтиб, ёлгуз ўлуб, ёлгуз куйдум,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

"Тохо" ўкуб, тун кечалар койим бўлдум,
Кеча намоз, кундузлари сойим бўлдум,
Бу хол бирла ер остида дойим бўлдум,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Олтмиш кеча, олтмиш кундуз бир йўл таом,
Тонг откунча намоз ўкуб, бир йўл салом,
Олтмиш учда бўлди умрим охир, тамом,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Хак Мустафо рухи келиб бўлди имом,
Жумла малак ер остида бўлди гулом,
Кўб йигладим, хак Мустафо берди инъом,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Меърож тунни, нури дийдам, фарзанд, деди,
Кўлуб тутуб, умматимсен, уммат, деди,
Суннатимни маҳкам туткил, дилбанд, деди,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Киёматда йўл одашсанг, йўлга солай,
М у х а м м а д, деб ташна бўлсанг кўлунг олай,
Фарзандим, деб илкинг тутуб жаннат кирай,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Эй ёронлар, бу сўз эштиб шавким ортди,
Уммат, деди, ичу-тошим нурга ботди,
Партав солиб, дийдорини Хак кўрсатди,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Дийдор кўруб, рухум учуб, Аршка кўнди,
Мусо сифат вужудларим куюб ёнди,
Мажнун сифат хайли хешдин кочиб тонди,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Ер остида хорлиг торттим, кўб машаккат,
Тўшак, ёстук тошдин килиб, чектим меҳнат,
Эй ёронлар, бу дунёда йўк фарогат,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

То машаккат тортмагунсах васли кайда,

Хизмат килмай, дарди холат бўлмас пайдо,
Жону дилни то килмасанг Хакка шайдо,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Ер остига кирдим эрса беҳуд бўлдум,
Кўзум очиб, Мустафони хозир кўрдум,
Осий, жофий умматларни холин сўрдум,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Аё фарзанд, мендин сўрсанг кони уммат,
Уммат, деди, кўксум тўла доги хасрат,
Уммат учун кўб тортамен Хакдин кулфат,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Умматларим ёзукларин хар жума кеч,
Олиб келгай, ё Мухаммад, сен муни чеч,
Токи йиглаб сажда айлай, тангрига кеч,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Хар жума кеч умматларни гуноҳини,
Олиб келган, ё Мухаммад, кўргил муни,
Умматларинг налар килур, Ахмад, сени,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Мен малакдин шарм олурмен, эй умматим,
Яраткандин кўркмасмусен, паст химматим,
Кеча ётмай, тоат килсанг хуш давлатим,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Ер остига кирдим, дўстлар, беихтиёр,
Омин, денглар олу ашоб хам чахорёр,
Умматларни журмин кечгил, Парвардигор,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

Кул Хожа Ахмад, мен дафтари соний айттим,
Икки олам ишратларин майга соттим,
Ўлмас бурун жон аччигин захрин тоттим,
Мустафога мотам тутуб кирдим мано.

МУХАББАТНИНГ БЎСТОНИДА

Мухаббатни бўстонида хазор досдтон,
Булбуллари сайраб анда афгон килур.
Маърифатни майдонида жавлон килгон

Кеча-кундуз кўз ёшини уммон килур.

Ул булбулни овозини эшитгонлар,
Такаббурни тогин кесиб ушотгонлар,
Бу дунёни маззасини унутгонлар
Фарёд уруб, йиглаб кўзин гирён килур.

Ошик куллар бу дунёни кўзга илмас,
Дунё ишкин зоҳид куллар тилга олмас,
Кеча-кундуз масту хайрон - ўзга келмас,
Дийдор тилаб, кўксин тешиб нолон килур.

Во дариго, кечти умрим, тўймай колдим,
Рохиласиз йўлга кириб,хориб колдим,
Химмат курин бекга махкам чолиб олдим,
Ўзи суйган ошикларин сарсон килур.

Аё,ошик,кеча-кундуз тинмай йигла,
Куюб-пишиб, юрак-багринг эзиб догла,
Ажал етса, мардонавор белинг богла,
Мундог ошик борса анда меҳмон килур.

Шайх Мансур ўз бошини дорда кўрди,
Партав солди, Хак дийдорин анда кўрди,
Беҳуд бўлуб, ўзин билмай афгон килди,
Во зукко деб, ўзин билмай жавлон килур.

Шайх Шиблий ошик бўлуб билмай ўтти,
Шайх Боязид етмиш йўли ўзин сотти,
Бу дунёни иззатларин ташлаб отти,
Ўтган ишкка надомат деб афгон килур.

Андог эрлар сухбатини тобкан киши,
Масту хайрон бўлуб юрар ёзу киши,
Сахарларда чорзрб урмак анинг иши,
Зохир ханда, ботинларин пинхон килур.

Мундог бўлмай Хак васлига етиб бўлмас,
Расво бўлмай сирдан маъно олиб бўлмас,
"Ху" зикрини айтиб дойим тилдин кўймас,
Ваҳми бирлан дилларини ларзон килур.

Кул Хожа Ахмад, бу хикматни кимга айдинг,
Орифман деб халойикка ўкуб ёйдинг,
Таъсир килмас олимларга айтгон пандинг,
Ориф улдур - тан мулкини вайрон килур.

ЖОНОНИМДАН ХЕЧ КИМ ХАБАР БИЛАРМИКИН?

Бу оламда Хакдин кўркиб зор инграсам,
Охиратда рухим ором олармикин?
Ўтганларнинг босган изин кўзга суртсам,
Пири мугон мани йўлга солармикин?

Бошим эгиб, белим боглаб килсам ихлос
Нафси шайтон чангалидан бўлсам халос,
Жон берарда мадад килса Хизр, Илёс,
У дунёда Оллох раҳм килармикин?

Тоғу чўллар гунохимдан килмас токат,
Хар кун юз минг турли исён менга одат,
Бу иш билан охиратда борму рохат,
Тавба килсам одатларим колармикин?

Бошим таним тупрок килиб, фано бўлсам,
Дийдорталаб хасратида адо бўлсам,
Ахли аёл, хонумондин жудо бўлсам,
Дўстлар, Хожам манга раҳм килармикин?

Эй осийлар тавба килгил Хак эшитсин,
Додингиздан еру кўклар нола килсин,
Малоиклар Хакдин тилаб улуш берсин,
Улуш олган кулни гами бўлармикин?

Аклим хайрон, кўзим гирён, хонавайрон,
Хак йўлини билолмасмен, ўзим нодон,
Эй дўстларим, бетокатмен, кайда ЖОНОН?
Жононимдан хеч ким хабар билармикин?

Остонага бошим кўйиб зори килсам,
Гариб-этим бошин силаб дуо олсам,
Хакдин кўркиб дунё учун ортга олсам,
Хожам мени холи дилим сўрармикин?

Сахарларда зори килиб йигласам мен,
Жон берарда белим махкам богласам мен,
Ишки бирлан юрак багрим догласам мен,
Хак чироги кабрим ичра ёнармикин?

БЕШАК БИЛИНГ

Бешак билинг бу дунё
Барча элдан ўтаро,

Инонмагил молингга
Бир кун кўлдан кетаро.

Ота-она, кариндош
Каён кетди фикр кил
Тўрт оёклик чўбим от
Бир кун сенга етаро.

Дунё учун гам ема,
Хакдин ўзгани дема,
Ўзгалар молин ема,
Сирот узра тутаро.

Ахли аёл, кариндош,
Хеч ким бўлмайти йўлдош,
Мардона бўл гариб бош,
Умринг елдек ўтаро.

Кул Хожа Ахмад тоат кил,
Умринг билмам неча йил,
Аслинг билсанг каро гил,
Яна гилга кетаро.

ОШИК КИЛГИЛ

Ишк дардини талаб килдим дармони йўк,
Ишк йўлида жон берганни армони йўк,
Бу йўлларда жон бермасанг имкони йўк,
Хар не килсанг ошик килгил парвардигор!

Кайдин топай ишкинг тушди карорим йўк,
Ишк садосин туну куну кўёрим йўк,
Даргохингдан ўзга ерга борорим йўк,
Хар не килсанг ошик килгил парвардигор!

Ишк бозори улуг бозор, савдо харом,
Ошикларга сендин ўзга гавго харом,
Ишк йўлига кирганларга дунё харом,
Хар не килсанг ошик килгил парвардигор!

Ошикликни даво килиб юролмадим,
Нафсдин кечиб Хак амрини билолмадим,
Нодонликда Хак амрини билолмадим,
Хар не килсанг ошик килгил парвардигор!